



20.29 Нач № 465

Яйпан шахри.

Нурсух МФЙ худудида давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида уч қаватли килиб, "Yoshlar mehnat guzari" комплексида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази курилиши учун ер майдони танлаш ва ажратини тўғрисида

Кўргонча МФЙ Кўргонча қишлоғида яшовчи фуқаро Мамажонов Авазбекнинг туман хокимлигига мурожаат килиб, Нурсух МФЙ худудида туман захирасидаги фойдаланилмайдиган ерлар тоифасига кирувчи 0.03га ер майдонини давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида бир қаватли қилиб, "Yoshlar mehnat guzari" комплексида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қурилиши учун ер майдони ажратиб берини түзилган.

Мазкур масала бўйича туман хокимлиги хузуридан танлаш ва ажратиш комиссияси томонидан 2020 йил 26-май кунида қурилишга ер майдони ажратиш далолатномаси тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнь кунги "Yoshlar kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ти ПФ-5466-сонли Фармонига асосан ёшлар томонидан тадбиркорликни комплекс ривожлантириш ва уларни тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишига фаол жалб қилиш, ёшларнинг янги лойихаларини хар томонлама кўллаб-куватлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш учун "Yoshlar mehnat guzari" марказлари биноларининг давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Махаллий давлат хокимияти" тўғрисида"ти конуннинг 6-25-моддаларига, Ўзбекистон республикаси "Ер кодекси"нинг 6-моддасига асосланиб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман доимий харакатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг 2020 йил 26-май кунги давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида "Yoshlar mehnat guzari" комплексида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қурилишига ер майдони ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин хамда фуқаро А.Мамажоновнинг ёзишмаси инобатга олинсин.

2. Кўргонча МФЙ Кўргонча қишлоғида яшовчи фуқаро Мамажонов Авазбекнинг туман хокимлигига мурожаат килиб, Нурсух МФЙ худудида қишлоқ хўжалиги ҳаритасининг №625-контуридаги туман захирасидаги фойдаланилмайдиган ер майдонидан жами: 0.03 га ер майдонини давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида уч қаватли килиб, "Yoshlar mehnat guzari" комплексида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қурилиши учун доимий фойдаланиш хуқуки асосида ажратиленин.

3. Қурилишга буюртмачи фуқаро А.Мамажоновга:

- Вилоят қурилиш бош бошқармасидан ушбу обьект учун Архитектура-режалаштириш топшириги (АРТ) хужжатларини тайёрлатиш, замонавий усуздаги

лойихасини хамда қурилишга рухсат берувчи бошқа меъёрий хужжатларни олиш:

-курилиш жараённада тумандаги тегишли идоралар томонидан берилган техник шартларни бажариш:

-курилиш ва ободончилик ишларни тасдиқланган лойиха асосида амалга ошириш:

-курилиш ишларни олиб боиш давомида техника хавфсизлигига, меҳнатни муҳофаза қилиш ва қурилиш техника нормативларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш:

-курилиш ишларини тугаллангандан сўнг янги барпо этилган бинони фойдаланишга қабул қилиш учун туман комиссиясига тақдим этилиши шартлиги назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнь кунги “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонига мувофик “Yoshlar mehnat guzari” марказлари биноларининг давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида қурилиш кийматининг 30 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси мазкур маблағларни уларнинг устаф жамғармаси (капитали)га кейинчалиқ капиталлаштирилган холда иштирок этиши, қурилиш кийматининг қолган 70 фоизини молиялаштириш хусусий инвестор маблағи хисобидан таъминланиши хамда Давлат дастурининг амал қилиши ёшлар тадбиркорлиги субъектларига, шунингдек яратиладиган иш ўринларининг 70 фоизидан кам бўлмаган қисмини 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш белгилаб кўйилсин.

5. Фуқаро А.Мамажоновнинг “Yoshlar mehnat guzari” комплексини қуришга йўналтирган маблағлари хусусий инвесторнинг солиқ солинадиган базасидан чегириб ташлансан.

6. “Yoshlar mehnat guzari” комплексини мухандислик комуникацияларига, жумладан электр, газ ва сув таъминоти тармоқларига олиб боришни ва улашни туман бууджетининг кўшимча маёнбалари хисобидан таъминлансин хамда тумандаги электр тармоқлари корхонаси (Ж.Мелиев), “Водийгазтаъминот” туман филиали (Э.Рахимов), туман сувокава ДК (М.Мадумаров) мухандислик комуникация тармоқларига олиб борилиши ва уланишига хамда зарурий хужжатларни тайёрлашда амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

Туман қурилиш бўлими бошлиғи (О.Вахобов)га: қуриладиган бинони лойиха асосида қурилишини назорат қилиб бориш вазифаси топширилсин.

7. Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи в.б (А.Ражабов)га ушбу ер ажратиш хақидаги хужжатлар тайёр бўлгандан сўнг ер тўғрисидаги хисоботларга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

8. Фуқаро А.Мамажоновга мазкур қарорнинг 3-бандида қайд этилган талаблар бажарилмагани ёки қурилиш ишлари қонунда белгиланган муддатларда тугалланмаган тақдирда мазкур қарор ўз кучини йўқотиши хақида огохлантирилсин.

9. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари И.Нажмиддинов хамда И.Турсуновлар зиммасига юқлатилсин.

Туман хокими:

К. Джураев

